# Конфуций ҳикматлари



Цзию фарзандлик эҳтироми ҳақида сўради.

Устоз жавоб берди:

**— Ҳозирги пайтда ота-онани қадрламоқ, — демак, бу — қорин тўйдирмоқ.**

**Аммо отлару итларнинг ҳам қорнини тўйдириш мумкин-ку.**

**Ундай бўлса, бири иккинчисидан қандай фарқланади, демак гап ҳурмат-иззатда?!**

***

Цзися фарзандлик эҳтироми ҳақида сўради.

Устоз жавоб берди:

**— Ҳар доим ҳам ота-онага Хушҳол-хушнуд хизматда туриш мушкул, албатта.**

**Юмуш чиқиб қолганда ўғил ёки кенжатой ука елиб-югуришади, катталарни мусалласу таом билан сийлашади.**

**Қандай қилиб бу ҳолда фарзандлик ҳурмат-эҳтироми ҳақида гап бўлиши мумкин?!**

***

Устоз айтди:

**— Ким эскисини асраб-авайлаб,**

**Янгисини топа олса ўша асл мураббийдир!**

***

Устоз деди:

**Ҳақиқий эркак — ўйинчоқ эмас!**

***

Устоз айтди:

**Ўқисангу уқмасанг — бефойда,**

**Баттар зиён — уқсангу ўқимасанг!**

***

Устоз деди:

**Ю!**

**Билим нима эканлигини сенга ўргатайми?**

**Билган нарсаларингнигина биламан, де.**

**Билмаган нарсаларингни билмайман, де.**

**Билим — ана шу!**

*Жаҳон хазинаси дурдонаси*

***

Ҳоким Айгун сўради:

— Халқни қандай қилиб итоаткор этиш мумкин?

Конфуций жавоб берди:

**— Агар тўғрилар, эгриларнинг устидан бош қилиб қўйилса, халқнинг ўзи қилар итоат.**

**Ахир эгриларга — тўғрилар ибрат!**

**Агар ошса эгрилар мартабаси,**

**тўғриларнинг йўли бўлса берк**

**халқ қилмас бунга тоқат.**

***

Цзичжон сўради:

— Билиш мумкинми ўн авлоддан сўнг нима бўлишин?

Устоз жавоб берди:

**— Ин сулоласи Ся хонадони анъаналарига асосланиб юритди иш,**

**Билса бўлар унга нелар қўшди ва нелардан кечди воз;**

**Чжоу хонадони Ин сулоласин удумларин эттирди давом,**

**Билса бўлар унга нелар қўшди ва нелардан кечди воз.**

**Ки демак, Чжоу сулоласин удумлари этса давом**

**Билса бўлар нелар бўлишин ва ҳаттоки юз авлоддан сўнг.**

***

Устоз деди:

**Ўз авлод-аждодингдан бўлмаган руҳларга қурбонлик қилиш, бу ўзга руҳларга ялтоқлик.**

**Ўз бурчингни билатуриб, уни адо этмаслик — қўрқоқлик.**

***

Устоз айтди:

**Агар инсонда бўлмаса меҳр-мурувват**

**Қайда қолди удум-оқибат?!**

**Агар инсонда бўлмаса меҳр ва шафқат**

**Мусиқанинг маъноси қайда қолди унда?**

***

Устоз деди:

**Элдан айрилганларнинг бўлса ҳам сардори,**

**Тенг келолмас барибир ҳатто сарбонсиз халққа!**

***

Устоз деди:

**Олижаноб эркак беллашмайди ҳуда-беҳуда,**

**Гар беллашса ўзин тутар мардона,**

**Барчага билдирар эзгу эҳтиром,**

**Ғолиблик нашъасин ҳам**

**бирга кўради баҳам.**

**Билки, олижаноб эркак асли шудир!**

(Давоми бор)

*Азим СУЮН ва Ҳамид ИКРОМ таржималари*


«ОСИЁ-ВЕСТ»

OSIY WEST

# «Осиё-Вест»

## Ўзбекистон—Германия—Исроил қўшма корхонаси

**Барча мўмин-мусулмонларни Ийди Рамазон ҳайити муносабати билан самимий муборакбод этади! Сизларнинг муқаддас Рамазон ойида тутган рўзаларингизнинг, амалга оширган хайру савоб ишларингизнинг ажрини Оллоҳ Таолонинг ўзи берсин. Яратганнинг ўзи юртимизга тинчлик-фаровонлик ато этсин!**



# «ХАЛҚАБОД МАМИҒИ»

## ҳиссадорлик жамияти

***Бутун ўзбек халқини ва барча мусулмонларни Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан самимий қутлайди. Мустақил мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан янада баркамол бўлишини тилайди. Мана шундай саодатли, фараҳли ойда қилган барча ибодатларингизни, тутган рўзаларингизни Оллоҳ Таоло ўз даргоҳида қабул айласин. Муборак ҳайит кунларида юртимизга маъмурчилик ва равнақ тилаймиз. Бу йилимиз янада қутлуғ, деҳқонларимиз учун файзу-баракали бўлиши насиб этсин!***

Қорақалпоғистон Республикаси Халқабод шаҳри.





**Бош муҳаррир**
**Азим СУЮН**

**Таҳрир ҳайъати**

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**БЎЛИМЛАР:**

*Сиёсат — 133-20-36*
*Иқтисодиёт — 133-76-04*
*Маънавият — 133-07-20*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16*
*Ахборот — 133-12-56*
*Котибият — 133-21-43*

*Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83*

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**

*Андижонда — 25-16-16;*
*Бухорода — 23-51-40;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-29-44;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 222-70-12;*
*Самарқандда — 35-20-54;*
*Тошкентда — 136-12-56;*
*Урганчда — 226-51-35;*
*Фарғонада — 26-46-84;*
*Қаршида — 4-61-35;*
*Термизда — 3-79-98.*

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
*Равшан ШОДИЕВ*

*Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ*

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.**
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

•

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 03

*Босишга топшириш вақти—21.00.*
*Топширилди—21.00.*

*1 2 3 4 5 6.*

Сотувда эркин нархда